

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ



ДАЛОЛАТНОМА

Илмий тадқиқот ишлари
натижаларини ўқув жараёнига тадбиқ
этиш тўғрисида

Ушбу далолатнома илмий тадқиқот ишларининг натижаларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича қуйидаги имзо чекувчилар томонидан тузилди.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг “Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари” кафедрасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда Қашқадарё сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси ва “Сувлойиха” МЧЖ далолатномалари асосида тайёрланган “Сел-сув омборлари сув келтирувчи ўзанида лойқа-чўкиндиларнинг чўкиш жараёнини бошқариш қурилмаси” мавзусидаги тавсиялари 60730900- Гидротехника қурилиши, 60812700 – Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари, 61020200- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бакалавр таълим йўналишлари, 70730901 - Гидротехника иншоотлари (сув хўжалигида), 70812501 - Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги, 70730904 – Гидротехника иншоотларини қурилишини ташкил этиш ва технологияси, 70812801 - ГЭС қурилиши ва фойдаланиш, 70730903–Гидроэлектр ва насос станциялари қурилиши каби магистратура мутахассиларининг ўқув режасидаги “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги”, “Гидротехника иншоотлари ишончлилиги ва хавфсизлиги”, “Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш” фанлари бўйича ўқув фан дастурларига киритилиб, қуйидаги мавзулар бўйича ўқув жараёнига жорий этилган.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги фани бўйича:

1. Амалдаги гидротехника иншоотлари хавфсизлик меъёрлари ва қоидаларини ўрганиш.
2. Гидротехника иншоотлари хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.
3. Гидротехника иншоотлари хавфсизлик мезонлари.

Гидротехника иншоотлари ишончлилиги ва хавфсизлиги ҳамда “Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш” фанлари бўйича:

1. Гидротехника иншоотлари хавфсизлик категорияларини баҳолаш.
2. Сув омборлари ва йирик гидроузеллар техник ҳолати ва беҳатар ишлашини назорат қилиш.
3. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва селхоналардаги сув ўтказиш иншоотларини лойиҳалаш.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнида қўллаш университетда тайёрланаётган кадрлар сифатини бевосита оширади.

Ўқув методика бошқармаси бошлиғи,
ф.-м.ф.н., доцент Д.Ходжаев

Гидротехника қурилиш факультети декани,
т.ф.д., проф. Б.Хасанов

Магистратура бўлими бошлиғи,
т.ф.д., проф. А.Янгиев

ИТИ ва ИПКТ бўлим бошлиғи, PhD,
доц. У.Кўзиев

Бажарувчилар:
“ГТИ ва МК” кафедраси профессори,
т.ф.д. А.Янгиев

“ГТИ ва МК” кафедраси доценти,
(PhD). Д.Аджимуратов

“ГТИ ва МК” кафедраси кат. ўқит.
(PhD). Ш.Панжиев